

Ваҳийнинг узилиб қолиши



13:06 / 04.12.2019 3698

Қуръони Каримнинг дастлабки оятлари нозил бўлгандан кейин бир муддат ваҳий келмай қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оғир ҳолатга тушдилар. Ўзларини қўйгани жой топа олмай қолдилар. Бундай ҳолат, муҳаққиқ уламоларимизнинг таъкидлашларича, бир ойча давом этди. Кейин яна ваҳий кела бошлади. Бу ҳолат қандай кечганини қуйидаги ривоят орқали ўрганамиз.

Ваҳий узилиб қолгани ҳақида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гапларини сўзлай туриб, Жобир розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Юриб кетаётган эдим. Бирдан осмондан бир овоз эшитдим. Юқорига қарасам, Хирода олдимга келган ўша фаришта осмон билан ернинг

ўртасида, курсида ўтирибди. Ундан қўрқиб кетдим. (Уйга) қайтиб бориб: «Мени ўраб қўйинглар, мени ўраб қўйинглар», дедим. Шунда Аллоҳ таоло: «Эй бурканиб ётган! Тур ва огоҳлантир! Ва Роббингни улуғла! Ва кийимингни покла! Ва қақшатқич азобдан четлан!» оятларини нозил қилди. Шундан сўнг ваҳий авжига чиқиб давом этди».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Уламоларимиз ваҳийнинг бир муддат узилиб қолиши ҳикматли иш бўлганини таъкидлайдилар, чунки ваҳийни қабул қилиб олиш оғир иш эканини ҳамма билади. Ушбу оғир иш бирданига, кетма-кет бўлса, оғирлик яна ҳам ортади. Бир муддат узилганда эса Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга енгиллик бор. Бунинг устига, у зотда ваҳийга шавқу завқнинг ортиши ҳам ваҳийнинг узилиб қолгани сабабли бўлган.

«Ислом тарихи» биринчи китоб